

Қиёматнинг кичик аломатлари (8)

[Ўзбекча – Uzbek – الأوزبكي]

Шайх Носир ибн Муҳаммад Аҳмад

Таржимон: *Абу Жаъфар ал-Бухорий*

Нашрга тайёрловчи: *Абу Абдуллоҳ Шошиӣ*

2013 - 1434

IslamHouse.com

أَشْرَاطُ السَّاعَةِ الصُّغْرَى (8)

« باللغة الأوزبكية »

ناصر بن محمد الأحمد

مترجم: أبو جعفر البخاري

مراجعة: أبو عبد الله الشاشي

2013 - 1434

IslamHouse.com

Биринчи хутба

Барча ҳамдлар Оллоҳга хосдир... Биз Ундан ёрдам, нафсимизнинг ёмонлиги ва амаллари- мизнинг шумлигидан паноҳ ҳамда мағфират сўраймиз. Оллоҳ ҳидоят қилган одамни адаштирувчи, адаштирган одамни ҳидоятловчи йўқдир. Мен ягона, шериксиз Оллоҳдан бошқа илоҳ йўқ, Муҳаммад эса Унинг бандаси ва элчиси эканига гувоҳлик бераман.

﴿ يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا اتَّقُوا اللَّهَ حَقَّ تَقَاتِهِ وَلَا تَمُوتُنَّ إِلَّا وَأَنْتُمْ مُسْلِمُونَ ﴾

«Ҳой мўминлар, Оллоҳдан лойиқ бўлганидек кўрқинглар ва мусулмон бўлган ҳолингизда вафот этинглар!» (Оли Имрон: 102).

﴿ يَا أَيُّهَا النَّاسُ اتَّقُوا رَبَّكُمُ الَّذِي خَلَقَكُمْ مِنْ نَفْسٍ وَاحِدَةٍ وَخَلَقَ مِنْهَا زَوْجَهَا وَبَثَّ مِنْهُمَا رِجَالًا كَثِيرًا وَنِسَاءً وَاتَّقُوا اللَّهَ الَّذِي تَسَاءَلُونَ بِهِ وَالْأَرْحَامَ إِنَّ اللَّهَ كَانَ عَلَيْكُمْ رَقِيبًا ﴾

«Эй инсонлар! Сизларни бир жондан (Одамдан) яратган ва ундан жуфтани вужудга келтирган ҳамда у икковидан кўп эркак ва аёлларни

тарқатган Роббингиздан кўрқингиз! Яна ораларингиздаги савол-жавобларда ўртага номи солинадиган Оллоҳдан кўрқингиз ва қариндош-уруғларингиз (билан ажралиб кетишдан кўрқингиз)! Албатта Оллоҳ устингизда кузатувчи бўлган зотдир». (Нисо: 1).

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا اتَّقُوا اللَّهَ وَفُؤُلُوا قَوْلًا سَدِيدًا، يُصْلِحْ لَكُمْ أَعْمَالَكُمْ وَ
يَغْفِرْ لَكُمْ ذُنُوبَكُمْ وَمَنْ يُطِيعِ اللَّهَ وَرَسُولَهُ فَقَدْ فَازَ فَوْزًا عَظِيمًا﴾

«Эй мўминлар, Оллоҳдан кўрқинглар, тўғри сўзни сўзланглар! (Шунда Оллоҳ) ишларингизни ўнглар ва гуноҳларингизни мағфират қилар. Ким Оллоҳга ва Унинг пайғамбарига итоат этса, бас у улуг бахтга эришибди». (Аҳзоб: 70-71).

Дўстлар, билингларики, гапларнинг тўғрироғи – Оллоҳнинг каломи, йўлларнинг яхшироғи – Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг йўли, ишларнинг ёмонроғи – янги пайдо бўлганлари, ҳар бир янги пайдо бўлган нарса – бидъат ва барча бидъат – залолатдир).

Сўнг ...

Бу, ўтган жумаларда айтиб ўтилган хутбаларнинг давоми бўлган Қиёматнинг кичик шартларининг (яна) бошқа шодасидир.

Қиёматнинг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳадисларида зикр қилган аломатларидан бири, замона охирида румликлар, яъни, насронийларнинг кўпайиши ва мусулмонларга қарши уруш қилишларидир.

Имом Муслим раҳимаҳуллоҳ «Саҳиҳ»ида Амр ибн Ос разияллоҳу анҳумонинг ривоятини нақл қилган: Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: *«Қиёмат румликлар одамларнинг кўп қисми бўлганида қоим бўлади»*, деганларини эшитганман. (Имом Муслим, 7461).

Авф ибн Молик Ашжаъий разияллоҳу анҳу айтди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Қиёматдан олдин олти (ҳодисани) сана. ... Сўнгра сизлар билан Бану Асфар (румлик насронийлар) ўртасида сулҳ бўлади. Улар сулҳни бузиб, саксонга байроқ остида ҳар байроққа ўн икки минг (лашкар тобеъ бўлиб), бостириб келишади»*. (Имом Бухорий, 3186).

Бу хабарга кўра мазкур урушда иштирок этадиган насронийларнинг сони бир миллионга яқин бўлади. Саксонта байроқ ва ҳар бир байроқ остида ўн икки мингта аскар... Бу уруш, ҳадислар далолат қилганидек, замона охирида, Дажжол чиқишидан олдинроқ Шомда бўлиб ўтади. Мусулмонларнинг бу урушдаги ғалабаси уларнинг Константинополни қайта фатҳ этиш учун имконият яратади. Ҳолбуки, Константинополнинг фатҳи ҳам Қиёматнинг аломатларидан биридир. Жобир ибн Самура разияллоҳу анҳу Нофё ибн Утба разияллоҳу анҳудан ривоят қилди: Биз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга эдик. Мен Ундан кўлларимда санай оладиган тўртта гапни ёдлаб олдим: *«Сизлар Араб яриморлига газот қиласизлар ва Оллоҳ таоло унинг фатҳини беради. Сўнгра Эронга газот қиласизлар (унда ҳам) Оллоҳ таоло фатҳ беради. Сўнгра Рум (Византия)га газот қиласизлар ва Оллоҳ унинг фатҳини беради. Сўнгра Дажжолга қариши газот қиласизлар ва Оллоҳ унинг фатҳини беради».* Нофё: *Эй Жобир, Рум фатҳ этилмагунича Дажжолни кўрмаймиз, – деди.* (Имом Муслим, 7466).

Абу Довуд раҳимаҳуллоҳ «Сунан»ида Абу Дардоъ разияллоҳу анҳудан нақл қилган ҳадисда насронийлар билан тўқнашиладиган жанг майдони Шомда экани

аниқ айтилган: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Жанг кунни мусулмонларнинг чодирлари Шомнинг энг яхши шаҳарларидан бири бўлган Дамашқ теграсидаги Ғуто деб аталган жойда бўлади»*, – дедилар. (Абу Довуд, 4300).

Ҳижрий тўққизинчи асрдаги билим намояндаларидан бири бўлган Ҳофиз Ибн Мунаййир Зайнуддин Абдуллатиф раҳимаҳуллоҳ мазкур ҳадис ҳақида шундай дейди: «Румликлар қиссаси – мусулмонлар билан насронийлар ўртасидаги катта уруш назарда тутилмоқда – ханузгача бўлиб ўтмади. Насронийларнинг шунча сондаги қўшин билан курукликда жанг қилганларининг хабари етиб келмади. Демак, бу хануз рўй бермаган воқеадир. Бу хабарда ҳам мужда ва ҳам огоҳлантириш бордир. Чунки хабар, душманларнинг кўп бўлишига қарамай, ғалаба мусулмонларники эканидан дарак бермоқда. Мужда шуки, мусулмон жангчиларнинг сони ҳам ҳозирги кундаги сонларининг бир неча баробари бўлади».

Ҳой мусулмонлар, мусулмонларнинг насронийлар билан тўқнашувлари узоқ тарихга – Мўъта жангига бориб кадалади. Мўъта жангги ҳижратнинг саккизинчи йили жумодулувло ойида бўлиб ўтган,

жангда сони уч мингта бўлган мусулмон қўшин юз мингта бўлган насроний қўшинга қарши жангга чиққан ва майдондан мағлуб бўлмай айрилган эди. Бироқ, Оллоҳ таоло насронийлар қалбига кўркув солган ва Араб яриморолида пайдо бўлган янги кучлардан насроний олами доимо хатарда қолган эди. Бу ғазотлардан илгари Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўзларига замондош бўлган қиролларга Исломга чорлаб мактублар йўллаган эдилар. Улар ичида Византия императори Геракл ҳам бор эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг йўллаган мактубида ушбу жумлалар бор эди: *«Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм. Муҳаммад ибн Абуллоҳдан Рум буюги Ҳирақлга. Оллоҳнинг ҳидоятига эргашиганларга саломлар бўлсин! Сўнг ... Мен сизни Ислом чақириғи билан чорлайман: мусулмон бўлинг саломат қоласиз ва Оллоҳ сизга савобларини икки марта беради. (Чақиригимдан) воз кечсангиз, бутун румликларнинг гуноҳи зиммангизда бўлади».* (Имом Бухорий, 7).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам тарафидан насронийларга юборилган ушбу мактуб, Ислом ва Насроний олами ўртасида сурункали давом этадиган курашнинг эълонидир. Чунки мактубдаги шарт – Исломни дин деб қабул қилиш ҳамда

насронийлик ва ҳатто иқтидордан воз кечишдир. Ҳолбуки, бугунги кунда Дунёдаги сиёсий иқтидор уларнинг қўлидадир. Биз мусулмонлар мазкур мактубни амалга оширишимиз, уни рўёбга чиқариш учун ҳаракат қилишимиз, унга эришиш учун бор имкониятларимизни сафарбар этишимиз керак.

Ҳой мусулмонлар, бу Коинотдаги Оллоҳ таолонинг устивор қонуниятларидан бири, насронийлар билан мудом курашда бўлиш ва бу кураш дунёнинг интиҳосига қадар давом этишини унутмаслигимиз керак. Бу маънолар Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг мактубларида бевосита бўлмаса ҳам: *«(Чақиригимдан) воз кечсангиз бутун румликларнинг гуноҳи зиммангизда бўлади»* жумлаларида гизлидир. Бундан кўра очикроқ баён қилинган ҳукм, Оллоҳ таолонинг ушбу оятида мужассамдир:

﴿ وَمِنَ الَّذِينَ قَالُوا إِنَّا نَصَارَى أَخَذْنَا مِيثَاقَهُمْ فَنَسُوا حَظًّا مِمَّا ذُكِّرُوا بِهِ فَأَعْرَجْنَا بَيْنَهُمُ الْعَدَاوَةَ وَالْبَغْضَاءَ إِلَى يَوْمِ الْقِيَامَةِ وَسَوْفَ يُنَبِّئُهُمُ اللَّهُ بِمَا كَانُوا يَصْنَعُونَ ﴾

««Бизлар насронийлармиз», деган кимсалардан ҳам аҳд-паймонларини олдик. Сўнг ўзларига эслатма қилиб берилган

нарсалардан (кўп) хиссасини унутдилар. Бас, уларнинг ўргаларида то қиёмат кунигача буғзу адоватни авж олдирдик. Яқинда Оллоҳ уларга қилиб ўтган «хунар»ларининг хабарини беражак». (Моида: 14).

Насронийлар билан кураш Қиёмат кунигача давом этади. Бу, Оллоҳ таоло мусулмонларни синаган фитна ва мусулмонларнинг пешонасидир. Улар сабр қилишлари керак. Уларнинг насронийлар билан тўқнашишлари муқаррардир. Бу кураш вақти-вақти билан бўлиб турсада, насронийларнинг миллионга яқини тўпланган ҳал қилувчи уруш билан тугалланади. У пайтда Ислом кўшини насронийларнинг руҳоний маркази бўлган Константинополни фатҳ этишган бўлади. Бу урушдан кейин бевосита Дажжол билан бўладиган уруш бошланади ва Дажжолнинг қатли билан ниҳоясига етади. Ўша пайтда урушлар тўхтади. Дунё ўзининг интиҳосига яқинлашади. Оллоҳ ваъда қилган Ернинг бошқа ерлар билан тўқнашиши ҳақидаги ваъдаси рўёбга чиқади. Барча махлуқот янги, мангу ҳаётни бошлашимиз учун ўз Холиқи ҳузурига қайтади.

Ҳоким раҳимахуллоҳ ўз «Мустадрак»ида, Имом Аҳмад эса «Муснад»ида ривоят қилган ушбу ҳадисга

диққат қилинг. Қуйидаги мазкур ҳадиснинг лафзи Ҳоким раҳимахуллоҳникидир. Холид ибн Маъдон разияллоҳу анҳу Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай деганларини эшитди: *«Сизлар румликлар билан тинчлик сулҳини тузасизлар. Сўнгра уларга қарши душман дея газотни бошлайсизлар ва фатҳга эришиб, ўлжаларни қўлга киритасизлар. Тепалиқлардаги яйловга етиб боргач румликлардан бири: Хоч золиб келди! – дейди. Мусулмонлардан бири: Аксинча, Оллоҳ золиб бўлди! – дейди ва тортиша бошлайдилар. Мусулмон уларнинг хочини синдиради ва (ерга) отади. Улардан узоқда бўлмаган румликлар ҳужум қилиб синдирганни ўлдиришади. Оллоҳ таоло мусулмонларнинг ўша бўлинмасига шаҳидликни лутф этади. Румликлар Рум раҳбарига: Биз сизни арабларнинг тигидан қутқардик! – дейишади. Улар хиёнат қилиб уруш учун сафарбар бўлишади ва устингизга саксонта байроқ билан ва ҳар бир байроқ остида ўн икки мингта аскар билан юриш қилишади».* (Имом Аҳмад, 16951).

Ҳоким раҳимахуллоҳнинг бошқа бир ривоятида шундай дейилган: *«Яқинда румликлар сизлар билан тинчлик сулҳини тузишади. Сизлар уларга душман бўлганлари учун газот қиласизлар ва галаба қозониб, саломат қолиб, фатҳ этасизлар. Сўнгра бир яйловга*

етиб келгач у (румлик)лардан бири хочни (баланд)кўтаради. Буни кўрган бир мусулмон бориб, хочни синдиради. Ўша пайтда румликлар аччиқланиб, уруш учун тўпланишади». (Ҳоким, 8299).

Мазкур ҳадисда насронийлар билан бўлиб ўтадиган кураш келажагини кўрсатиб берадиган айрим ҳақиқатлар намоён бўлмоқда:

Биринчиси: Бугунги кундаги насронийлар-нинг бутун жаҳон устидаги иқтидори тугаб битади. Ҳозирги моддий қудрат ва технология дунё тугагунича давом этмайди. Оллоҳ таоло айтди:

﴿ إِنَّمَا مَثَلُ الْحَيَاةِ الدُّنْيَا كَمَاءٍ أَنْزَلْنَاهُ مِنَ السَّمَاءِ فَاخْتَلَطَ بِهِ نَبَاتُ الْأَرْضِ مِمَّا يَأْكُلُ النَّاسُ وَالْأَنْعَامُ حَتَّىٰ إِذَا أَخَذَتِ الْأَرْضُ زُخْرُفَهَا وَازَّيَّنَتْ وَظَنَّ أَهْلُهَا أَنَّهُمْ قَادِرُونَ عَلَيْهَا أَتَاهَا أَمْرُنَا لَيْلًا أَوْ نَهَارًا فَجَعَلْنَاهَا حَصِيدًا كَأَن لَّمْ تَغْنَ بِالْأَمْسِ كَذَٰلِكَ نُفَصِّلُ الْآيَاتِ لِقَوْمٍ يَتَفَكَّرُونَ ﴾

«Дарҳақиқат, бу ҳаёти дунёнинг мисоли худди Биз осмондан ёғдирган бир сувга ўхшайди, бас, одамзод ва ҳайвонот ейдиган нарсалардан иборат бўлган Ер набототи у билан аралашиб, ҳатто Ер чирой олиб, ясан-тусан қилганида ва Ернинг аҳли унинг устида кучли-қудратлимиз, деб ўйлай

бошлаганида, Ерга кечаси ё кундузи Бизнинг фармонимиз келиб, Биз уни гўё куни-кеча обод бўлмагандек, вайронага айлангириб қўюрмиз. Тафаккур қила оладиган қавм учун оятларни мана шундай муфассал баён қилурмиз». (Юнус: 24).

Демак, Ғарб ҳозирги кунда: Биз барча нарсага қодирмиз! – дея яшаётган дунёқараш, ақлий, моддий, ҳарбий қудрат ва технология билан ғурурланиш, Ёлғиз ва Якто Оллоҳнинг қудрати билан йўқ бўлади.

Иккинчиси: Ҳадис насронийларнинг ҳозир- ги кундаги бутунжаҳон салтанатининг емирилиб бориши, замонимиздаги араб ҳукуматларининг салибий-яхудий душманлари билан амал ошираётган алоқаларининг узилишига ва минтақадан салибчилик нуфузининг йироқлашишига ишорат қилмоқда. Ана ўша пайтда мусулмонлар иқтидорга келиб, бутун жаҳонда янги кучни шакллайдиган Ислом давлати қурилади. Насронийлар мазкур давлатга мурожаат этиб, тез кунда бошига вайрона олиб келадиган душмани зарарига ёрдам бериши учун, сулҳ тузишни талаб этишади.

Учинчиси: Ушбу сулҳ насронийларнинг мурожаати билан замона охирида тузилади. Улар

мусулмонлар кўмак беришлари ҳисобига сулҳ тузишади. Бу эса ўша пайтда мусулмонларнинг қудратли, насронийларни кўркитадиган давлати бўлишидан даракдир. Шу боис бўлса керак, улар мусулмонларга қарши саксонга байроқнинг ҳар бири остида ўн икки мингта аскар билан жанг майдонида ҳозир бўладилар.

Тўртинчиси: Ҳадис, насроний давлатлар идеологияси бўлган секуляризм тез кунда ўрнини насронийликка бўшатиб бериши, натижада, узоқ вақт шахватлар гирдобидида қолган Европа давлатлари насроний динига қайтиши ва бу дин уларни фаоллаштиришини ҳам кўрсатмоқда. Бу, бир насроний чиқиб насронийлик қудратини кўрсатмоқчи бўлиб хочни кўтаришидан тушунилмоқда. Мусулмонлар бундан ғазабланишиб хочга қараб юрадилар ва уни синдирадилар. Бу ҳолат насронийлар ғазабини қўзғатади ва қаршиларидаги мусулмон кўшинларни қириб ташлашаб, Ислом давлати билан тузган сулҳларини бузишади.

Бешинчиси: Бу ва бунга ўхшаш ҳадислар Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дарак берган ғайб илмларидир. Биз эса ғайбга иймон келтирган умматмиз:

﴿ أَلَمْ • ذَلِكَ الْكِتَابُ لَا رَيْبَ فِيهِ هُدًى لِّلْمُتَّقِينَ • الَّذِينَ يُؤْمِنُونَ بِالْغَيْبِ وَيُقِيمُونَ الصَّلَاةَ وَمِمَّا رَزَقْنَاهُمْ يُنْفِقُونَ ﴾

«Алиф, лом, мим. (Ҳақ эканлигига) ҳеч қандай шак-шубҳа бўлмаган ушбу Китоб ғойибга ишонадиган, намозни тўқис адо этадиган ва Биз ризқ қилиб берган нарсалардан инфоқ-эхсон қиладиган тақволи кишилар учун раҳбар-йўлбошчидир». (Бақара: 1-3).

Ғайбга келтирган иймонимиздан келиб чиқиб шуни айтамикки, бизнинг румликлар билан ваъдамиз бор ва Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дарак берган барча нарса, албатта, рўёбга чиқажакдир. Мужоҳидларнинг байроқлари насроний давлатлар устида ҳилпираб, мусулмонларнинг оёқлари ҳозирги Ватиканнинг пойтахти жойлашган ер – Римни босажакдир. Ислом уммати ўзининг ашаддий душмани билан тўқнашиб, ғалаба қозонади. Румликлар билан ҳал қилувчи жанг бўлади ва хоч насронийлар бошида синади. Бу уруш кирғинбарот бўлиб, ҳар икки тараф ҳам катта талофат беради.

Имом Муслим раҳимаҳуллоҳ «Саҳиҳ»ида Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳунинг ҳадисини ривоят

қилган. Унда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай деганлар: «Румликлар (Ҳалаб шаҳри) яқинидаги Аъмоқ ёки Добик (деган жой)га қўнмагунларича Қиёмат қоим бўлмайди. Уларга шаҳар ичидан ўша кундаги Ер юзидаги одамларнинг саралари чиқиб, саф тортишади. Румликлар: Бизга биздан олдин келганлар ўртасида жанг қилишимизга тўсиқ бўлманглар! – дейишади. Мусулмонлар: Оллоҳ номига онт ичиб айтамызки, биз сизлар билан биродарларимиз ўртасидаги жангга йўл қўймаймиз! – дейишади. (Жанг бошланиб мусулмонларнинг) Оллоҳ тавбаларини қабул қилмайдиган учдан бири чекинади. (Бошқа) учдан бири Оллоҳ наздида энг фазилатли шахид ўлароқ ўлдирилади. (Қолган) учдан бири галабага эришади ва ҳеч қачон фитналарга гирифтор бўлмайдилар. Улар Константинополни фатҳ этишади ва ўлжаларни ўзаро бўлишиб, қиличларини зайтун (шоҳлари)га илишган пайтларида шайтон уларга қарата: Масих (Дажжол) оилангизга кирди, – деб жар солади. Улар(йўлга) чиқадилар. Хабар эса нотўғри эди. Улар Шомга етиб келишганида Дажжол чиқади. Улар жанг қилиш учун саф тортишиб, намозга иқомат айтилганида Ийсо ибн Марям (алайҳиссалом осмондан) тушиб келади ва (намозда) имом бўлади. У (Ийсо алайҳиссалом) ни

Оллоҳнинг душмани кўриши биланоқ туз сувда эриганидек эриб кетади. Агар (Ийсо алайҳиссалом) у (Дажжол)ни ўз ҳолига қўйса бутунлай эриб кетади, лекин Оллоҳ уни (Ийсо алайҳиссаломнинг) қўли билан ўлдиради ва найзасидаги Дажжолнинг қонини мусулмонларга кўрсатади». (Имом Муслим, 7460).

Оллоҳим, агар бандаларинг учун фитнани ирода қилган бўлсанг, жонимизни фитнага туширмай ол!

Ушбу гапимни айтиб (ўзимнинг ва сизларнинг гуноҳларингизни мағфират қилишини Оллоҳ таолодан сўрайман).

Иккинчи хутба

Барча оламлар Робби бўлган Оллоҳга ҳамду санолар бўлсин. ...

Сўнг ...

Биринчи хутбамизда Қиёмат қоим бўлишининг шартларидан бири мусулмонларнинг Дажжол чиқишидан илгари, румликлар билан бўлиб ўтадиган қақшатгич жангда ғалаба қозониб, Константинополь сари йўл олишлари ва Оллоҳ таоло унинг фатҳини мусулмонларга жангсиз бериши ва қурол-аслаҳалари такбир ва таҳлил бўлишини айтиб ўтдик.

Константинополь турклар даврида, қонли жанглар билан фатҳ этилган. Сўнгра эса қайта кофирларнинг қўлига тушган. Шундай бўлсада, ростгўй Мухаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам берган хабарга кўра, у, тез кунда урушсиз қайта фатҳ этилади. Туркларнинг фатҳ этишлари кейинги катта фатҳ учун имконият яратади. Имом Муслим раҳимаҳуллоҳнинг «Саҳиҳ»ида Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳунинг ушбу ривояти бор: *Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Бир тарафи қуруқликда, бир тарафи эса денгизда бўлган шаҳар ҳақида эшитганмисизлар?»* –

деб сўрадилар. Саҳобалар: Ҳа, ё Расулуллоҳ! – деб жавоб беришгач, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай дедилар: *«Исҳоқ урузидан етмиш мингтаси унга уруш қилмагунича Қиёмат қоим бўлмайди. Улар у шаҳарга келишгач қўнишади ва қурол билан жанг қилишмайди. Биронта ҳам ёй отишмайди. (Балки): «Ла илаҳа иллаллоҳу валлоҳу акбар!» (Оллоҳдан бошқа илоҳ йўқ ва Оллоҳ буюкдир!), – дейишади. Шунда шаҳарнинг – ҳадис ровийларидан бири бўлган Савр раҳимаҳуллоҳ: Балки: «денгиздаги» деган бўлсалар керак, деди) бир қисми мағлуб бўлади. Кейин иккинчи марта: «Ла илаҳа иллаллоҳу валлоҳу акбар!» (Оллоҳдан бошқа илоҳ йўқ ва Оллоҳ буюкдир!), – дейишади ва шаҳарнинг иккинчи қисми ҳам мағлуб бўлади. Сўнгра (яна): «Ла илаҳа иллаллоҳу валлоҳу акбар!» (Оллоҳдан бошқа илоҳ йўқ ва Оллоҳ буюкдир!), – дейишади. Шаҳар уларга бўшатилади ва улар киришади. Ўлжаларни қўлга киритиб тақсимлашаётган пайтларида дарғачи келиб: Дажжол чиқди! – дейди. Улар ўлжаларни ташлаб, қайтиб кетишади». (Имом Муслим, 7517).*

Константинополь – ҳозирги кунда Истамбул номи билан машҳур бўлган Туркия давлатининг шаҳарларидан биридир. Константинополь саҳобалар

даврида фатҳ бўлмади. Муовия разияллоҳу анҳу ўғли Язидни таркибида Абу Айюб Ансорий разияллоҳу анҳу бўлган қўшин билан Константинополга юборди, бироқ, фатҳ насиб этмади. Ундан кейин Маслама ибн Абдулмалик раҳимаҳуллоҳ уни қамал қилди. Унга ҳам фатҳ насиб этмасада, шаҳар аҳолиси билан шаҳар ичида масжид қуриш учун сулҳ тузди. Константинополь турклар замонида уруш билан қўлга киритилди. Кейинроқ эса у яна кофирлар қўлига ўтди. Биз энди, Оллоҳнинг изни билан, Константинополнинг катта фатҳини кутмоқдамиз. Бу ҳодисадан илгари баъзи иш ва воқеалар содир бўлади. Жумладан, мусулмонлар воз кечишган динларига яна қайтадилар.

Биз Оллоҳ таолодан Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг умматига узоқда эмас, яқин кунларда кушойиш беришини сўраймиз.

Оллоҳим, узоқда эмас, яқин кунларда кушойиш бер!

Оллоҳим, насронийлар зулм қилиб ҳадларидан ошдилар: (мусулмонларни) ўлдирдилар, (молу мулкни) талон-тарож қилдилар, (турар-жойларни) харобага айлантирдилар! Сен эса Азиз, Ҳаким,

Қудратли ва барча нарсага Қодирсан! Оллоҳим, уларга қоронғу кунларни кўрсат, санокларини санаб, уларни бутунлай ҳалок қил ва биронталарини ҳам қўйма!

Оллоҳим, Сен панада турган Зотсан! Насронийлар бошига азоб қамчингни ёғдир!

Оллоҳим, уларни, уларнинг халқлари ва давлатларини мусулмонларга ўлжа қил!

Оллоҳим, мусулмонларга ёмон кўз билан қарайдиган ҳар кимсани ўзи билан ўзини овора қил, ҳийласини ўзининг кўксига қайтар ва тадбирларини ўзининг ҳалокатига сабабчи қил!

Оллоҳим ватанимиз ва хонадонларимизни осдуа, раҳбар ва имомларимизни ислоҳ қил! Эй раҳмлилар раҳмлиси, раҳбариятни Сендан кўрқиб, тақво қиладиган ва розилигинга эргашганлар қўлига бер!

Оллоҳим, қалбларимизни ҳидоят қиладиган раҳматингни ёғдир!

Оллоҳим, э Раҳмлилар раҳмлиси! Бизни ўз ватанимизда хотиржам қил! Раҳбарларимиз ва имомларимизни ислоҳ айла!

Оллоҳим, раҳбариятни Сендан қўрқиб, тақво қиладиган ва розилигинга эргашганлар қўлига бер!

Оллоҳим, бу умматга тўғри йўлларни кўрсат-ки, унда гуноҳкорлар хор бўлсин, савобли ишларга чорлансин, гуноҳлар таъқиқлансин!

Оллоҳим, қалбларимиз ҳидоятланадиган, тарқоқлигимиз бирлашадиган ва биздан фитналарни узоқлаштирадиган раҳматингни ёғдир!

Оллоҳим, Пайғамбаримизга, Унинг оиласи ва асҳобларига салавоту саломлар йўлла!...